

# ШАРТНОМА № 77

Богот тумани  
(шаҳар, туман, кишлоқ)

«05» Децabr 2022 й.

«DUMAUZCHINA» х/к бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Г. Ибраҳимов. Низом асосида фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Богот тумани Хокимлиги «Ешлар дафтари» жамғармаси бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари Богот тумани Хокими биринчи ўринбосари С. Қурбонов Низом асосида фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди

## 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» шартномада кўрсатилган маҳсулот(лар)ни етказиб беради, «Харидор» эса шартномада кўрсатилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида ва белгиланган тартибда тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

### 1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Медалъ	дона	60	9950	597000
2	Фоторамка	дона	100	29900	2990000
3					
4					
5					
X	жами	x	160	x	3587000

## 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 3587000 (уч миллион беш юз саксон етти минг) сўмни ташкил қилади. Шу жумладан бюджет маблағлари ҳисобидан 3587000 (уч миллион беш юз саксон етти минг) сум, колган \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сум бюджетдан ташқари манбаалар ҳисобидан туланади.

## 3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30% фоизини олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70% фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури \_\_\_\_\_ тўлов топширикномаси (тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «05» Децabr дан 2022 йил «31» декабр гача ўз кучида қолади.

## 5. Тарафлар ҳуқуқлари

### 5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

### 5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

### 6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

### 6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақд далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

## 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5% микдорда пеня тўлайди, лекин 50% микдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»га маҳсулотни ўз вақтида етказиб берилмаган ҳар куни учун маҳсулот баҳосидан 0,5% пеня тўлайди.

- 7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорда пеня тўлайди.
- 7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 5 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган ҳар бир кун учун маблағ миқдоридан 0,4 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омиборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### 8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

#### 9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

#### 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

#### 11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: \_\_\_\_\_

11.3. Шартномага илова: \_\_\_\_\_

#### 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари «Сотувчи» «Харидор»

«DUMAUCZHINA» х/к (мол етказиб беручининг номи)	Богот тумани Хоқимлиги «Ёшлар дафтари» жамғармаси (бюджетдан маблағ олуқининг номи)
Манзили: Урганч шаҳар	Манзили: Ўзбекистон куча 18уй
Тел/факс:	Тел/факс: 31-52-821
х/р: 20208000300992815001	ш/хр*:305022860332047109601018001
Банк номи: Урганч АТБ Агробанк филиали МФО 00569 СТИР: 306081648 ОКОНХ	бюджетдан маблағ олуқи СТИРи:200427016 ОКОНХ: 97600 Ҳазначилик бўлинимаси номи Молия Вазирлиги ягона ҳазна ҳисоб варағи Ҳазна ҳ\в 23402000300100001010
Раҳбар _____ (Ф.И.Ш.)	Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳар Б.Б.Х.К.К.М МФО 00014 Ҳазначилик бўлинимаси СТИРи 201122919 Раҳбар С. Қурбонов Туман ҳоқими 1-ўринбосари (Ф.И.Ш)

(имзоси)  
М.Ў

(имзоси)  
М.Ў

Изоҳ: \*) – бюджетдан маблағ олуқининг ҳазначилик бўлинимасида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи(шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилди.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_

(Имзо)

(Ф.И.О.)

» « \_\_\_\_\_ » «20 \_\_\_\_\_» йил